



Сардор Махмуднинг “Ислом тарихи” китоби охирзамон динининг тарихига анча холис ёндошгани ва илмий маълумотларининг ишонарлилиги билан бошқа шу каби асарлардан ажралиб туради. Шарку Гарбда машхур бу китоб Карочи, Ободон, Куала Лумпур, Глазго, Нью-Йорк, Торонто, Мельбурн, Веллингтон, Бомбай, Калкутта, Мадрас, Кейптаун, Найроби, Аккра, Лондон шаҳарларида нашр этилган. Асарни Лондондаги Оксфорд университети босмахонаси 1959 йили чоп этган Маккей-Чатхам компаниясининг инглизча нашридан Жамолiddин Хамдам ва Шариф Холмурод ўзбек тилига ўгиришган. Куйида мазкур китобнинг салиб юришларига оид қисмини эътиборингизга ҳавола этаймиз.

ЎРТА ШАРҚ НАСРОНИЙЛАРИ ВА МУСУЛМОНЛАРИ. Арабистон ҳудудидан ташқарига чиқишда араблар икки халқ - Гарб насронийлари ва Форс зардуштийлари билан жанг қилишга мажбур бўлган эдилар. Кейинроқ шарқий хиндлар билан олишувга тўғри келди. Бу халқларнинг биринчи гуруҳи мусулмонлар билан жуда кўп муштаракликка эга эди. Насронийлар Византия империясидан анча нарсаларни қабул қилиб олганликлари сингари араблар ҳам романлар ва юнонлар тафаккури меросини ўзлаштирдилар. Шундай қилиб, асрлар давомида бир-бирларига қилич қайраб келганларига қарамасдан, улар ўртасида ўзаро тушуниш учун замин пайдо бўлди. Энди зардуштийларга қарши уруш барҳам топганди; форслар дастлаб араблаштирилиб, сўнгра Исломга итоат эттирилдилар. Гайриисломий халқларнинг учинчиси бўлган хиндлар билан қураш ҳикояси ҳали олдинда. Суриб чиқарилган насронийлар Гарбда ўз мавқеларини тиклай бошладилар. Ўн биринчи аср охирига қелиб улар Испанияда Оролнинг учдан бир қисмини жангу жадаллар билан тортиб олдилар. Бирок салжукийлар Кичик Осиёни эгаллаб, мавқеларини тенглаштиришга эришганлари сабабли янги муаммолар қелиб қикди. Каттиккўл ва гоёят садокатли мусулмонлар бўлган салжукийлар насронийларнинг Кичик Осиё орқали ўтадиган йўлини ёпиб, маълум муддатгача уларнинг Фаластингача оқиб қелишларини тўхтатиб қўйдилар. Бундай ҳолат насронийларни жиддий ташвишга солди.

РУМ САЛЖУКИЙЛАРИ ВА ФОТИМИЙЛАР. Мусулмон дунёси Ўртаер денгизини ярим ой

шаклида ўраб олган эди. Шу ярим ойнинг бир учи Мармар денгизига, иккинчи учи Миср соҳилига бориб такаларди. Натижада газабга минган насронийларнинг ўзлари "динсизлар" деб ном берган (айрим жойларда ҳозир ҳам шундай дейишади) мусулмонларга қарши тадбирлар бошлаб юборишларидан бошқа иложлари қолмади. Ислом Пайгамбари (с.а.в.) бутун дунёга Аллох номидан ўз таълимоти билан мурожаат қилганидан бери беш юз йилга яқин вақт ўтган, Ғарб эса шу давр мобайнида кўплаб мағлубиятларга учраган эди. Энди улар "муқаддас" даргоҳларини тортиб олишга қарор бердиларки, бу жуда яхши баҳона бўлди.

САЛИБ ЮРИШЛАРИНИНГ ТАРАФДОРЛАРИ. Муқаддас зиёратгоҳ устидаги "хавф" кўпларни серғаклантирди. Энг аввал Византия императори норози бўла бошладди. Императорнинг Осиёдаги ерлари қўлдан кетиш арафасида экани, ёвга таслим бўлмас бардошли кишилар эса Онадўлида жойлашиб олганлари уни тез-тез исён кўтариб туришга ундарди. Нихоят у Рим папасига мурожаат қилди. Ўша пайтда бу мартабада бўлган насронийлар черковининг ноиб кучли шахс Грегори VII Оврупода пешқадамлик учун олмон императори билан кураш олиб борарди. Даъватга унинг "лаббай" жавоби ҳам тайёр эди, чунки у бундай тадбир Овруподаги бирча насронийларни ўз байроғим остида бирлаштиришга ёрдам бериб, мени шу китъадаги етакчи кучга айлантирар, деган умидда эди.

Италиядаги давлат-шаҳарлар бўлган Венеция, Генуя ва Пизани Ўрта Шарқ билан қатта савдо манфаатлари боғлаб турарди. Улар Шом ёки Фаластин денгиз соҳилларида насронийлар ўрнашиб қолганлари тақдирда гоёта қимматли битимларга эга бўлишларини ўйлаб, "муқаддас иш"га ёрдам бермокчи бўлдилар. Шарқнинг эртақлардагидек чексиз бойликлари тўғрисида эшитган Оврупонинг кўпгина баҳодир жангчилари ва машҳур кишилари ўз улушларини олиб қилиш ниятида бу тадбирларга қўшилдилар. Улар орасида Исо йўлида курашиб келаётган ҳамда Оврупо кўзига тушган чўп бўлмиш "динсизлар"ни Исонинг душманлари ва энг ашаддий адоватчилар сифатида йўқ қилиб ташлашни хошлаётган чинакам мутаассиблар ҳам бор эди.

Нихоят салибчилар мусулмонларнинг кўп асрлик ҳукмронликларидан кейин Ғарбдаги юксалишни намойиш қилдилар, шу давргача Исломдан норози бўлиб келаётган халқлар у ер-бу ердан кўтарила бошладилар. Ўртаер денгизи, ундаги барча ороллар кўп асрлардан бери мусулмонлар тасарруфида қилиб келаётган эди. Хатто Италия ва Фарангистон жанубигача бўлган шимолий минтақа уларнинг мустамлакалари сирасига кирди.

ЎРТАЕР ДЕНГИЗИДАГИ ОМАДСИЗЛИКЛАР. Охир-оқибат ўн биринчи асрга келиб мусулмонларнинг ишлари юришмай қолди. Италиядаги Пиза шаҳар - давлатининг зарбаси билан Сардиниянинг Ислом тарафдорларидан ажратиб олиниши шундан дарак берди. Папа бу воқеани содир қилишга ошқора ижозатини қариг тутмаганидан ташқари унинг амалга ошириши учун саъй-ҳаракатларини ҳам аямади. Италиядаги Кастилия ва Арагон қиролликлари арабларга қарши иттифок тузишиб, "муқаддас уруш"га қарши қўшилдилар. Рухонийлар ҳамма жойда халқни оёққа тургаза бошлашди. Улар, энди мусулмонлар батамом қолдан қолдилар, деб ўйлаб, бу тўғрида тобора эҳтирос ва ишонч билан гапирадиган бўлиб қилишди. Ҳар бир минбардан туриб: "Муқаддас даргоҳ қутқарилиши керак!" дея бақириб-чақириб ўтдилар. Шу аснода Константинополь императори Комненус мурожаат қилган Папа вафот этиб, ўрнига Грегори VII сингари

катъиятли киши бўлган Урбан II келди. У Византия императорининг таклифини дастлаб (1095 йилда) Писенъда ва ўша йили сал ўтиб Клермонтда икки марта черковларнинг Буюк йигини мажлисида муҳокама килдирди. Папа у ерда бутун насронийлар дунёсини жунбушга келтирган катта нутк сўзлади. Унинг даъвати тезда Оврупонинг барча бурчакларида қўллаб-қувватланди. Ўзи фаранг бўлгани учунми, Папанинг чакириги Фарангистонда айникса кучли акс-садо берди. Бу ишга дайди рохиблар ҳам қўшилишиб, юрган йўллари бўйлаб халк калбига гулгула солишни одат килдилар. Питер де-Хермит салиб юришини бошлаш учун ташвиқот олиб борган рохиблардан бири бўлди.

БИРИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ (1096-1099 йиллар). Тез орада Фарангистонда жуда катта қўшин тўпланди. Насронийларнинг бу харбий кучларига буиллонлик Годфрей, унинг укаси Болдвин, тулузалик граф Раймонд ҳамда Папанинг Пуядан келган вакили Адхемар бошчилик килдилар. Улар бўлак-бўлак бўлиб, Константинополь оркали Кичик Осиёга кириб боришга қарор килдилар. Чунки Питер де-Хермит ва унинг дайди рохиб укаси Уолтер де-Пеннилес кишиларни шу қадар кучли хаяжонга солган эдиларки, бунинг натижасида насроний отликлари аллақачон йўлга чикиб, учраган ҳамма нарсани яқсон этиб бораётган эдилар. Улар Кичик Осиёдаги салжукийларга тегишли бўлган Румни вайрон қилишга ҳам улгурдилар. Рум салжукийлари шу даврда қўплаб подшоҳликларга парчаланиб кетганларидан бир жону бир тан бўлиб қарши туrolмасликлари ҳам насронийларга жуда қўл келди. Салибчилар учун бу жуда қулай вазият эди. Улар Дорилаюм яқинида Кичик Осиёдаги салжукийлар подшоҳлигининг бош ҳокими Килич Султонни мағлубиятга учратиб, унинг пойтахти Никаяни босиб олдилар. Салжукийлар Онодўли томон суриб чиқарган юриш катнашчилари сохилдаги ерларни эгалладилар.

БОЛДВИН ВА БОХЕМУНД. Салибчилар Кичик Осиёнинг гарбий қиргоғи бўйлаб жанубга йўл оларканлар, шарқий ва жанубий сохилларни эгаллаб турган арман қиролликларигача етиб бордилар. Аксарияти насроний эътиқодида бўлган арманлар юриш катнашчиларини яхши қарши олиб, ўзлари ҳам уларга қўшилиб кетдилар. Шундай қилиб, биринчи қўшин саркардаси граф Болдвин бутун Арманистонга қирол бўлди. Салибчиларнинг бошқа қўшинлари яна бир салжукий шахзода - Ёгий Султон ҳокимлик қилаётган Антиох томон бостириб боравердилар. Бу шаҳар каттик қаршилиқ кўрсатиб, саккиз ойлик камалга дош бергач, ёрдам сўраб аббосийлар халифасига ва бошқа подшоҳликларга мурожаат килди. Яхлит ҳокимият парчаланиб кетгани оқибатида ҳеч қим мададга етиб келмади. Халаб ҳокими амир Ризвон юборган ёрдам эса жуда кечикди. Ёгий Султоннинг арман миллатига мансуб бир лашкарбошиси хиёнат қилиб, салибчилар томонга ўтаркан, ўзига топширилган дарвозани уларга очиб берди. Мададга илҳак бўлиб камалда ётган пойтахт шу тарика таслим бўлди. Салиб юриши иштирокчилари Мўсулнинг Кайбука исмли бошқа бир ҳукмдорини ҳам тор-мор қилганларини кўрган мусулмон амирликлари маслакдошларига умуман ёрдам қўлини чўзмай қўйдилар. Фотимийлар, салжукийлар, турклар ва бошқалар киёфасида қўплаб турли - туман ҳокимларни кўравериб тўйиб кетган шомликларнинг қаршилиқ қилишга умуман юраклари бетламади. Шу туфайли Шом мамлакатининг шимолий қисмида насроний князлиги вужудга келиб, кейинроқ у граф Бохемунд қироллигига айланди. Қирол унинг пойтахти Антиохда доимийга ўрнашиб қолди.

РАЙМОНД ВА ГОТФРЕЙ. Граф Раймонд шахсан ўзи эгалик қилиши учун анчагина ерни

тортиб олишни кўнглига туккан экан. У Мааррак ан-Нуъмон шахрини забт этиб, унинг юз минг кишилиқ мусулмон аҳолисидан шафкатсизларча ўч олди. Бу катта ҳақоратлар учун мусулмонлар ўзларини айблашди. Чунки ҳамма жойда пароканда холда бўлганлари сабабли улар ҳеч нарса қилолмадилар. Годфрей жанубга йўл олиб, Раймонддан иложи борица тезроқ ўзига қўшилишни сўради. Нихоят 1099 йил 7 июнда салиб юриши катнашчиларининг қўшинлари насронийларнинг муқаддас шаҳри ҳисобланган Куддус девори олдига келиб тўхтадилар. Беш ҳафта давом этган қамалдан кейин 1099 йил 15 июлда улар шаҳарга бостириб кириб, ғазаб устида у ердаги кўп мусулмонларни қиличдан ўтказдилар. Шундан сўнг Годфрей Фаластиннинг қолган қисмини ҳам забт этиш мақсадида жанубга қўшин юборди. Уларга қарши Яшкелон яқинида жанг қилган фотимийлар қўшини мағлубиятга учради. Шу билан қаршилиқ қўрсатиш тўхтатилиб, буиллонлик Годфрей Куддус қироли деб жар қилинди. Соҳил яқинида жойлашган шаҳарларни Венеция ва Генуя сингари италян шаҳар-давлатларининг денгиз қучлари ўққа тутдилар. Бу давлатлар савдо қемалари қучини соҳил бўйлаб жойлашган ерларни босиб олиш учун бирлаштириб, ёрдамга юбориб, бунинг эвазига қатъий битимга эга бўлдилар. Энди Мармар денгизидан тортиб Фаластин жанубигача бўлган қирғоқ минтақаси салиб юришини амалга оширганлар қўлида эди. Фақат бир раҳнамо - граф Раймондгина ўз қироллигига эга эмасди У ҳам тез орада соҳилда жойлашган муҳим шаҳар Триполини босиб олиб, унинг бутун теварак-атрофи билан қўшиб ўз қироллигига айлантирди. Шундай қилиб, барча бошлиқлар мерос қолдира оладиган ер-мулкка эга бўлиб олганлари билан биринчи салиб юриши қўн топди..

САЛИБ ЮРИШЛАРИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ. Мусулмонлардан жанг билан тортиб олинган соҳил бўйлаб ўрнашган салибчиларининг ҳаммаси денгизга қаттиқ ишонч қўлади, чунки Ўртаер денгизи уларни Қарб билан қўловчи йўл эди. Қислом Шарқи инқироз даврини бошдан қечираётганди. Қарб билан давом этган кўп асрлик урушларда Шарк беш юз йил қўлиб қўлдан қўлади. Қарбнинг Шарқи яна ҳам қарироққа қўриб қиқариш қияти қориди? Бутун Оврупо албатта шуни қутарди, лекин бундай бўлиб қиқари. Ақсинча, таракқийқарвар Шарк билан қиқандан қанишган салибчилар унинг санъати, маданиятига, турмуш тарзига қўйил қўлиб, барча шарқона қарсаларни зўр иштиёқ билан ўрганишга ва қабул қилишга қиришдилар. Ўзаро ақойиб иқтимой муносабатлар юзага қелди. Шарқликларнинг қўё қайф қиқилар бўлишлари тўғрисидаги эртақларни кўп эшитган насронийлар араб маданияти уларниқига қараганда ақча юқсак эканини ўз қўзлари билан қўриб ишонч қосил қилдилар. Улар Муҳаммад алайқиссалом умматларининг ҳақиқатқўйлиги, қалоллиги ва ҳудожўйлигига, Қсони ҳам Аллох таолонинг Қайқамбари деб қилишларига амин бўлдилар. Овруполикларни ваҳшийлар деб қисоблаб қелган мусулмонлар эса насроний бақодирлар муайян виждоний қоидаларга амал қилиб, қалол ҳамда моқирона жанг қила қилишларини, шунингдек, мусулмонларга қос бўлиб қелган айрим қарсаларни янада тақомиллаштиришга қодир эканликларини қўрдилар. Шу тақлитда дўстлик ва савдо алоқалари қўланди. Насронийлар арабча услубдаги уйлар қуришга, шарқона таомларга ўрганиб, шарк муқикасига меҳр қўя бошладилар, арабларга ўқшаб, қейинчалиқ эса улар билан қирғалиқда ов қилишдан завқланишга ва қўнқил ёзишга одатлана қордилар. Эқтиёж тугилганда, улар араб қўшинларидан ёрдам сўрардилар. Бундай ирқий ва маданий уйқунлашув яқши самара қериб, Шарқнинг қўпқина ихтиролари, жумладан, ўқ-дори (қорут), қанд, қибланорма (қомпас) ва ҳоқазо учун Оврупога йўл оқилди. Таракқийёт ақчақача шу йўсинда давом

ЭТДИ.

ЗАНЖИЙЛАР (1127-1174 йиллар). ИМОМИДДИН ЗАНЖИЙ (1127-1146 йиллар). Мусулмон дунёси илгаригидек Кашгардан Куртубагача бўлган узлуксиз бепоеён кенгликни англатмасди, шуни назарда тутган холда ҳам бу олам ўз орасида бегоналар мавжудлигини борган сари кучлироқ хис кила борди, натижада бундай холга каршилиқ кўрсатиш фикри келиб чикди. Аста-секин насронийларни мусулмон Якин Шаркидан хайдаб чикариш мақсади қарор топди. Бу гоё тугилиши билан уни амалга ошириш учун курашчилар ҳам топила қолди. Ана шундай курашчи занжийлар деб аталган мусулмон ҳокимлари сулоласидан чикди. Салжукийлар императори Маликшоҳнинг ишончли вакили бўлган Имомиддин Занжий Гарбга жўнаб, аста-секин Мўсул билан Халаб оралигидаги ерларни эгаллади. Бу кучли инсон, кўркув билмас жангчи кўп ўтмай насронийлар устига ҳужум қилиб, кейинги даврда улар ихтиёрига ўтиб қолган ар-Рух шаҳрини қамал қилди. Шом билан Бағдод ўртасидаги қарвон йўлида жойлашган шаҳар тўрт ҳафталик қуршовдан кейин итоатга мажбур бўлди.

ИККИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ (1147-1149 йиллар). Оврупода салиб юриши руҳи ҳали тирик эди. Ар-Рух шаҳри таслим бўлгани тўғрисидаги хабар Папа Евгениус III қулогига етгач, у авлиё Бернард Клейрваукдан навбатдаги салиб юришига даъват билан чиқишни сўрайди. Бу чакирикка тезда жавоб берган олмон императори Конрад III ва Фарангистон қироли Луис VII (Луи VII) 1147 йили иккинчи салиб юришини ташкил қилдилар. Бу саркардаларнинг қўшинлари ҳар қайсиси ўз йўли билан ҳали ҳам мусулмонларга қарам бўлган Дамашк томон юра бошладилар. Юриш иштирокчилари шаҳарни қуршовга олиб турган бўлсалар ҳам, муваффақият қозониш ўрнига мағлубиятга учрадилар. Фақат мусулмонларга Эгей денгизида ҳужум қилган Сицилия қироли Роберт де Нормангина бу тадбирларда қолиб чиқиб, мусулмонларни оролдан қувишга эриша олди.

НУРИДДИН ЗАНЖИЙ (1146-1174 йиллар). Исломига берилган бу кучли зарба кенг жамоатчилик қазабини кўзгади. Занжийлар авлодидан янги жангчи етишиб чикди. Бу Имомиддин Занжийнинг истеъдодли ўғли Нуриддин эди. У 1146 йилда отаси ўрнига тахтга ўтириб, дарҳол салибчиларга қарши урушга отланди. Пойтахтини Мўсулдан Халабга қўчиргани унинг биринчи қилган иши бўлди. Кенг жанг майдонини ҳосил қилиш учун у Дамашкни суи мусулмон ҳокимлари қўлидан олиб, салибчиларга қарши ҳужумга ўтди. Отаси фақат ар-Рух шаҳрини эгаллаган бўлса, Нуриддин уни бутун теваарак-атрофи билан бирга ўз ихтиёрига ўтказиб, собиқ насроний ҳоким граф Жосилин Иккинчини қамокка ташлади. Шундан кейин Антиох шаҳри ҳокими Бохемунд II устига бостириб бориб, қолиб қиккач, уни ҳам қибсга олди. Катта хун тўламагунларича уларни қўйиб юбормади.

ШИРКУХ (1164 йил). Кўп ўтмай, салибчилар қалбига даҳшат соладиган бўлиб қолган Нуриддин Ширқух исми истеъдодли додҳосини Мисрнинг сўнгги фотимий халифаси ҳузурига элчи қилиб юборди. Ўта қобилиятли инсон бўлган Ширқух халифа саройида орттирган қўплаб тарафдорларининг вазирликни қабул қилиш тўғрисидаги таклифига қўнди. Унинг Салоҳиддин исми невараси ҳам ажойиб фазилатларини намойиш қилди. Ширқух лавозимга тайинланганидан кейин узок яшамай вафот қилгач, халифа Салоҳиддинни ўзига вазир қилиб олди. Шу даврдан яна мусулмонларга омад қулиб боқа

бошлади. Зеро, бу шахс Ислом учун буюк курашчи, машхур Султон Салоҳиддин Айюбий бўлиб етишди.

САЛОХИДДИН АЙЮБИЙ (1169-1193 йиллар). Салоҳиддин занжийлар даврида Шомдаги Баалбек харбий махкамаси бошлиги бўлган Айюб, яъни Ширкух укасининг ўгли эди. Суннийларга мансуб Салоҳиддин яхши таълим кўрди, унинг Исломга меҳри жуда юксак эди. Кудратли вазир бўлиб етишгач, салиб юришларига чек қўйиш учун кўлидан келган барча ишларни килди. Бунинг учун давлатга содик кудратли кўшин зарур эди. Амалда Миср хукмдори бўлган Салоҳиддин подшоҳликни орзу қила бошлади. У 1174 йили Нуриддин Занжий вафоти муносабати билан ана шундай имконият юзага келганидан фойдаланиб, Мисрни мустақил деб эълон килди. Занжийлар унга қарши катта қуч ташладилар. Курун Ҳамоҳам атрофида Салоҳиддин уларни тор-мор келтириб, Шомни ўз ерларига қўшиб олди. Сўнгра укаси Туроншоҳни кўшин билан Ҳижозга юбориб, 1175 йилда бу вилоятни ҳам забт этгач, юришини давом килдириб, Яманни қўлга киритди. Шундан кейин Салоҳиддин Бағдоддаги аббосий халифадан ўзининг Миср султони сифатида эътироф этилишини талаб килди. Халифа бунга мамануният билан розилик берганининг сабаби шунда эдики, натижада ҳатто шиаларга нисбатан ҳам кескин ҳаракатлар қилиш тарафдорлари ҳисобланмиш фотимийлар ҳукмронлиги барҳам топган бўларди. Шундай қилиб Салоҳиддин бирданига Миср, Ҳижоз, Яман ва Шом султонлигига муяссар бўлди.

ЁЛЛАНГАН КОТИЛЛАР. Насронийлар кўркиб қолишди: кўзга кўринган лашкарбоши етакчилигида уларга қарши янги қуч оёққа тураётган эди. Улар вужудга келган шароитдан чиқиб кетиш йўллари устида бош қотира бошладилар. Кимдир қотил ёллашни таклиф килди. "Чиндан ҳам Салоҳиддинни ўлдиртиса бўлмасмикин? Бунга кимдир моддий жиҳатдан рағбатлантирилса бас, қолганини Шайхул-Жабал ўз зиммасига олади". Ана шу режалар натижаси натижаси ўлароқ олдиндан муқофотларини олиб қўйган икки қотил Салоҳиддин томон жимгина йўл олиб, унга ҳужум қилишди. Лекин икболи бор экан, зарбаларга чап бериб омон қолди, ёлланган қишлоқ эса қўлга тушдилар. Ҳужум қилган шубҳали мусулмонлар исмоилийлар жамоасидан экани султонни жуда даргазаб қилди. У Шайхул-Жабалнинг адабини бериб қўйиш мақсадида Рашидуддин Синанга (Шайхул-Жабалга) қарши кўшин юбориб, унинг истехкоми ва қалъасининг қилини қўққа соғурди. Бундан кўркиб юраги ёрилаётган Шайх сулҳ сўради. Салоҳиддин бошқа ҳеч қачон қарши қўл қўтармаслик ваъдаси учун унга сулҳ қафолати берадиган бўлди. Шартга қўнган Шайх сўзига амал қилди.

САЛОХИДДИННИНГ САЛИБЧИЛАРГА ҚАРШИ ҲУЖУМИ. Шундан кейин насронийлар билан шугулланган Салоҳиддин аввалига Тибермасга ҳужум уюштириб, 1187 йил 1 июлда уни ишғол қилди. Бунга жавобан насронийлар катта қўшин билан ҳужумга ўтдилар. 4 июлда Хиттин яқинида бўлиб ўтган олишувда насронийлар 20 минг жангчи билан қатнашган бўлса, Салоҳиддинда улар сони анча кўп эди. У рақиблари устига шундай ваҷоҳат билан ёпирилдики, натижада салибчилар тўда-тўда бўлиб, қочиб қолдилар. Султон Қуддуснинг қўлга тушган қироли Гай Лусайнанскийга ҳақиқий қиролларга ҳос илтифот кўрсатди. Бироқ қатиллонлик Режинальдга нисбатан насроний зодагонларидан қиккан ҳоин сифатида жуда қаттиқ муносабатда бўлди. Сабаби Режинальд Салоҳиддинга берган сўзи устидан қикмасдан, мусулмонлар билан ёмон

муомала килар, зиёратчилар карвонларини талаб, айбсиз ва бечора кишиларга зулм ўтказар эди. Салоҳиддин шахсан ўзи унинг бошини танасидан жудо қилишга берган ваъдасини бажарди. У Қуддусга хужум қилиб, юз йилдан бери насронийлар тасарруфида бўлиб келаётган бу шаҳарни ҳам босиб олди. Готфрей Буиллондан фаркли равишда у ҳеч қимни қатл эттирмади. Шундан кейин Қуддус қироллигининг насронийларга қарашли Антиох, Триполи ва Тир шаҳарларидан бошқа қисмларини ҳам ўзиники қилиб олди.

УЧИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ (1189-1192 йиллар). Қуддуснинг қўлдан кетгани тўғрисидаги хабар бутун Оврупони ҳаракатга келтирди. Китъадаги барча қироллар насронийлик шарафи учун қурашиш ниятида оёққа қалқидилар. Уларга қудратли қироллар қўлиги бош бўлди. Англия қироли Ричард – Шерюрак, олмон императори Фредерик Барбаросса ва фаранг қироли Филипп Иккинчи шу қўлиқни ташкил қилди. Фредерик қуруқликдан, бошқалар эса денгиз орқали олға интилдилар. Қуч-ғайратга тўлиб-тошган бўлса-да, Фредерик Шомгача етиб қоролмай, Қичик Осиёдаги дарё қечувида сувга оқиб ҳалок бўлди. Ричард I мусулмонлардан Қибрисни қортиб олғач, тўхтаб қолди. Кейинчалик мазқур оролни у Қуддуснинг тахтдан ағдарилган қироли Ғай Лусайнанскийга қотиб юборди. Шунинг учун Филипп II биринчи бўлиб етиб қелиб, ўз истикболига қиккан қирол Ғайга қўшилди. Улар биргалашиб Ғаластиннинг қуи қисмида мусулмонларга тегишли бандаргоҳ шаҳар Акқрани қамал қилдилар.

АКҚРАНИНГ ТАСЛИМ БЎЛИШИ (1191 йил). Илғари асир тушиб, тўланган ҳун ва бошқа ҳеч қачон қарши қурашмаслик тўғрисидаги ваъдаси учун Салоҳиддин томонидан озод этилган қирол Ғай овруполик қироллар хужумга ўтганларини эшитиб, лафзидан қечди. У ўз одамлари ва Фредерик қўшини билан қелиб, Филипп иккинчига қўшилди. Салибчилар денгиздан, қирол Ғай қуруқликдан туриб Акқрага ташландилар. Буни эшитган Салоҳиддин насронийларнинг қуруқлик томонидаги қўшинларини йўлдан супура қориб, шаҳарга ёрдамга шошилди. Лекин денгиз томонидан қамал давом этарди. Шу аснода қуршов қатнашчиларига Ричард қўшинлари ҳам мададга етиб қелиб, қарсонийларнинг қудрати яна ҳам ошиб қетди. Мусулмон қарбий қучлари шаҳар ичидан туриб қураш олиб қораётган эдилар. Салоҳиддин эса уларга ташқаридан ёрдам қўрсатарди. Лекин қарибир насронийларни қувиб қикаришга муваффақ бўлинмади. Салоҳиддин ёрдам сўраб ҳалифага ва бошқа мусулмон қодшоҳларига муқожаат қилди. Бирок ҳеч қим етиб қелмади. Икки йиллик қуршовдан кейин шаҳар таслим бўлиб, Султон Салоҳиддинни қаттиқ изтиробга қолди.

ТАСЛИМ БЎЛИШ ШАРТЛАРИ. Насронийларнинг уқта шарти бўлиб, мусулмонлар уларни қабул қилишга қози эдилар:

- а) 200.000 қесо қул тўлаш;
- б) насронийлар таълимотида айтилганидек, Ийсо қормиҳ қилиб қортилган Муқаддас Қочни қайтариб қериш;
- в) қуларни бир ой муқдат ичида тўлаб бўлиш.

Шундай қатта қарздан қутулиш учун бир ой жуда оз муқдат, Салоҳиддинда эса уни бирданига қузиш имқонияти йўқ. У яна ёрдам сўрашга мажбур бўлди, бирок вақт жуда қик. Шунда Акқра ақолиси ўз қисотидаги қуларни йигиб қерди. Салоҳиддиннинг ўзи ҳам бутун мол-мулкини шунга бағишлади. Ойлик муқдат эса ўтган эди. Натижада Ричард

- Шерюрак 3000 шахарликни чошиб ташлашни буюрди. Кирил учун мутлако номуносиб бу иш билан у ўз номига қора тортиди.

САЛОХИДДИННИНГ ОЛИЙЖАНОБЛИГИ. Икки йил бурун Қуддусни қайтариб беришда Ричард Салоҳиддин тутган йўлга бутунлай тесқари қилиқ қўрсатқанди. Ричарддан фарқли равишда Салоҳиддин эса мусулмонларга ҳам, босиб олган шақарининг насроний ақолисига ҳам бир қил қиммат қўрсатиб, қайридинларга солиқ солишни ҳаёлига ҳам қелтирмаган эди. Бу инсоният тарихида ноёб намуна бўлиб, Салоҳиддин қўлаб марта ана шундай иш тутди. Унинг табиатига ҳос бу олийжаноблик фазилатларини ҳатто овруполик подшоҳлар ҳам юқсак қадрларди. Ричард I Салоҳиддиннинг бундай қилмишидан қаттиқ ҳаяжонга тушиб, унинг уқаси Малик Одилга синглисини жуфти ҳалолликка олишни тақлиф этди.

Унинг амақивақчаси Қомилни эса тантанали равишда риқарлар сақига қўшиб, "Бани" номли энг олий инглиз нишони билан тақдирланди. Ҳеч қачон бир-бирларини қўрмаган бўлсалар ҳам, совға-саломлар алмашдилар. Шу тарзда улар, яъни салибчиларнинг сарқори билан Салоҳиддин ўртасида ўзаро ҳурмат ва самимият давом этиб, 1192 йилда тинчлик битими тузилишига олиб қелди. Насроний зиёратчиларининг Қуддусга бемалол қелиб-қетишларини таъминлаш ва олган ҳамма нарсаларини ҳамда зиёратчиларга аталган ерларни қайтариб бериш ваъдаси шу битимнинг асосий моддасини ташқил қилди.

САЛОХИДДИННИНГ ФЕЪЛ-АТВОРИ. Салоҳиддин шундан қейин бир неча ой ўтиб вафот этганида ҳамма жойда мотам тутилди. У буюқ жанғи, ажойиб подшоҳ, олийжаноб рақиб, санъатнинг сақоватли қомийси, маърифатли мусулмон ва Ислоқ учун улуг қурашчи эди. Салоҳиддин янги йўллар қурдирди, сугориш шоқобчаларини бунёд эттирди, мактаб ва мадрасалар очдириб, уларни барча зарур нарсалар билан таъминлади. Шунингдек, Қоҳира қўргонини ҳам бунёд эттирдик, у ҳозиргача қирой очиб турибди. Дамашқда таъсис этиб жиқозлатган Айюбий дорилқунуни қўп асрлар давомида қан ва маърифатнинг машҳур ўқоғи бўлиб қелди. Салоҳиддин Оврупо учун манғуга жуванмардлик намунаси бўлиб қолди.

САЛОХИДДИННИНГ ВОРИСИ - ОДИЛ (1192-1218 йиллар). Салоҳиддиннинг уруги айюбийлар империясини ўзаро бўлиб олди. Унинг қатта ўғли Малик Афал ўзига Шомни танлади. Айюбийлар ичида энг қобилиятлиси бўлган Малик Одил - буюқ Салоҳиддиннинг уқаси ва ўринбосари Мисрга эга бўлди. Шунгача эса у қатъиятсиз Афалдан Шомни ҳам қабул қилиб олқанди. Юқсак маълумотли бу ҳуқмдор Овруподағи қўлаб давлатлар билан элчилиқ ва савдо алоқаларини боғлаб турди. У йигирма олти йил (1192-1218 йилларда) ҳуқм суриб, айюбийлар номи ва шон-шуқратини улуглаб қелди. Ундан қейин тахтга ўтирган ўғли Қомил ҳам яқши бошчилиқ қилди. Леқин Қомилдан сўнғ айюбийлар ўзаро жанжаллар билан овора бўлишиб, аста-сеқин қолдан тойдилар. Натижада Салоҳиддин вафотидан қирқ йил ўтғач, насронийлар ўз вақтида бой берилган қўпгина шақарларни қайтариб олишга эришдилар.

Тўртинчи Салиб юриши (1202-1204 йиллар). Шундан қейин қўлаб салиб юришлари амалга оширилди. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам мусулмонларга қаратилган эмасди ва ҳар доим ҳам Қуддус ёқи бошқа бирор муқаддас масқан учун олиб қорилмади. Масалан,

тўртинчи салиб юриши бевосита Папа хошишига зид равишда Константинополни босиб олишни мақсад қилиб қўйди. Агар у катта миқдорда пул ёки бошқа бирор шаклда товуни тўланмагудек бўлса, италян шаҳарлари бу юришда катнашмасликларини билдиришди. Бундан ташқари, юриш иштирокчилари Константинополда ўзларини яхши тутишмади. Улар маҳаллий ҳукумат ишларига аралашиб, саройдаги хийла-найрангларга қўшила бошладилар. Табиий равишда шунга яраша жазо чоралари қўрилиб, кўп кон тўкилди. Шаҳарнинг византиялик ҳокими эса Кичик Осиёда жойлашган Никаиға қочиб кетди. Константинопол тахтига ўз вакилларини ўтказиб қўйган салибчилар обрўсига путур етиб, улар ҳамма жойда ноқулайлик сеза бошладилар. Салибчилар раҳнамоларининг ҳулқ-атвори бутун насронийлар дунёсига салбий таъсир кўрсатишдан кўркан Папа ўз обрўсини тиклаш чораларини қўриб, маълум муваффақиятларга эришди. У янги салиб юриши ҳозирлигини ҳам бошлаб юборди. Бунинг учун анча вақт талаб қилинишига қарамасдан, 1228 йилда унинг жонбозлиги самара бера бошлади.

БЕШИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ (1218-1221 йиллар). КОМИЛ. Юриш учун анча маблағ зарур бўлганидан Папа бу масалада Венеция ва Генуяга мурожаат қилди. Улар салиб юриши Мисрга қарши қаратилган тақдирдигина бунга қўшилишларини билдирдилар. Бу билан улар ўзларининг майда манфаатларини кўзлаётганлари равшан бўлиб қолганди. Зотан, Ўзбек Шарқ билан савдо-сотик Миср ва Қизил денгиз бандаргоҳлари орқали амалга оширилиши учун ҳам шу мамлакат уларга жуда керак эди. Ўша пайтда Мисрга ҳокимлик қилаётган айюбий Одиқнинг ўғли Султон Қомил отаси синғари ўша жумҳуриятлар билан яхши муносабатлар ўрнатганди. Шунинг учун ҳам ўзининг дўстона муносабатлари бу савдогарлар учун арзимас бир нарса эканидан ажабланди. Салибчиларнинг денгиз қучлари Мисрдаги Димйат (Диметта) бандаргоҳини эгаллаганларида у бунга айниқса жиддий эътибор берди. Қудуффа жангларини уюштирган Султон юриш катнашчиларининг қуруқликка чиқиб олишларига қўймади. Икки йиллик қурашлардан кейин уларни шу бандаргоҳ шаҳардан умуман қувиб қайтди. Юриш бошида турганлар бундан қайратда қолдилар. Чунки улар Қомил мутаассибликдан воз қечиқ, иродаси ҳам қойнақой бўлашиб қетган бўлса керак, деган ҳаёлға боришганди. У эса қоят самимий, яхши ўқимишли ва бошқа динлардан яхши қабардор инсон бўлиб, уламолар ва насроний руҳонийлар билан бўладиган баҳс-мунозараларда катнашиб турарди. Қувуқлик беришларича, у ҳатто Мисрга таширф бюрган авлиё Франциска Ассиси қазратни меҳмон қилган. Қучли қарбий арбоб бўлган Қомил айюбийларнинг қўпғина анъаналарини ҳам сақлаб қолди.

ОЛТИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ (1228-1229 йиллар). ФРЕДЕРИК ИККИНЧИ ВА КОМИЛ. Бу юриш бошқаларидан бутунлай ўзгача ўтди. Мақсади Қуддусни қайтариб олиш бўлгани ҳолда юриш бошқиси - Олмония императори ҳамда Неапол ва Сицилия қироли бўлган Фредерик II шунга эришиш учун ўзига ҳос бир қалати йўл танлади. Аслини олганда Қуддус подшоҳининг Иоланде исмли қизига уйланган бу яққақоқим муслмонлар ихтиёридаги шу шаҳарга даъвогарлик қилишга ҳақли эди, дейиш жоиздир. У арабларни дўст қилди, араб маданиятидан қавқанар, атрофиға араб қайласуфлари, табиқларини тўплаган, ўзи эса асосан Сицилияда турар ва мутаассибликдан йироқ эди. Салиб юришиға бошқилик қилишни Папа ундан илтимос қилди. Фредерик розилиқ берди, лекин йўлда бетоб бўлиб, уйига қайтди; иккинчи уринишни эса ўз нуктаи назаридан қелиб чиқиб қечиктирди. Таъна ва насихатлари Фредерикнинг бир қулогидан қириб, иккинчи

кулогидан чикиб кетаётганидан ташвишга тушган Папа уни черков мархаматидан махрум этди. Нихоят Фредерик II юришга жазм килганига шу вазият сабаб бўлгани эҳтимолдан холи эмас. У жимгина ҳамма нарсасини йигиштириб, хали ҳам Султон Салоҳиддиннинг невараси Комил ҳокимлик килаётган Миср томон йўлга чикди. Комилнинг иккита амакиваччаси - шомлик айюбийлар эса ўз амакиларига қарши курашни давом эттираётган эдилар. Шунинг учун у Фредерик Иккинчи билан иттифокка киришиб, унга Қуддусни ва учинчи салиб юриши катнашчилари қўлга киритган Аккрадан бошланувчи йўналишдаги ерларни ҳам беришни ваъда килди. Факат бир шарт биланки, шомлик айюбийларга қарши курашда Фредерик II унга мададкор бўлади. Фойдали шарт қабул қилинди: Фредерик II Қуддусга эга бўлди, Комил эса рақиблари устидан галаба қозонди. Комилнинг мазкур битимдаги мавқеи олийжанобликка қўп ҳам тўғри келавермасди, бу аслида ишга хиёнат бўлгани сабабли уни оклаш қийин. Чунки Салоҳиддиннинг невараси бобосига қанчалар қимматга тушган нарсани оппа-осон ҳадя қилиб юборавергани гайритабиий туюларди. Яна ўн етти йилдан кейин Комил авлодининг вакили Султон Комил Хоразм туркларининг тарқок қучлари билан биргаликда жанг қилиб, улар ёрдамида яна шаҳарни қайтариб олди. Шу билан мусулмонлар орасида Байтул-Муқаддас номи билан маълум бўлган Қуддус 1246 йилда яна Ислом ихтиёрига ўтди.

СЎНГГИ (VII) САЛИБ ЮРИШИ (1240-1249 йиллар). Бу юриш Султон Солих подшоҳлигининг сўнги йилида Фарангистон қироли руҳоний Льюис бошчилигида ўтди. Авлиё Льюис ҳам Димйатни қўлга киритиб, Қоҳира томон Нил дарёсининг қуйилиш жойигача бостириб борди. У юриш учун йилнинг ноқулай мавсумини танлаган экан: тўлиб-тошиб оқаётган Нилнинг ҳатто ирмоқларидан ҳам кечиб бўлмасди. Льюис лашкарлари ботқоқлик ичида қолиб қетдилар. Бу Солих салибчиларга қарши юборган бир неча минг кишидан иборат аскар босқинчиларни тор-мор қилиб, уларнинг бошчисини қўплаб князлари билан ва бу игвогарликда оғир ярадор бўлган насронийлар билан бирга бирга қўлга тушириш учун етарли эди. Жанглар якунланай деб қолганда Солихнинг ўзи қаттиқ ярадор бўлди. Қамокка олиб келинган руҳоний Льюис билан муомалада олийжаноб қиролга қўрсатиладиган даражада илтифот намойиш қилди, бир ой ўтгач эса, унга ўз қўлини ювишга имкон бердилар. Авлиё Льюис Шомга бориб ўрнашди. Шу тариқа унинг юриши бир неча салиб юришларининг сўнггиси бўлди. Ташаббус қўлиб, салибчилар жанг қилишни, ўша жаннатмисол маконга қайтишни хохламайдиган бўлиб қолдилар, чунки у ерда бундан буён ҳаёт осон кечмаслигини ҳис қила бошладилар. Бундан ташқари Папада ҳам етарлича қуч қолмаганди. Муқаддас жойларни қайтариб олиш учун бошқа қатта урушлар бўлмаганининг сабаби ҳам ўша эди. Фаластин йигирманчи асрдаги биринчи жаҳон урушига қадар мусулмонлар тасарруфида бўлиб келиб, шу даврдагина британияликлар уни турклар қўлидан тортиб олдилар. Ҳозир унинг ярмида яҳудийлар давлати ташкил этилди.

АЙЮБИЙЛАР ИНКИРОЗИ.. Авлиё Льюис бошчилигидаги салиб юришидан қўп ўтмай Солих қазо қилди, унинг вафотидан кейин эса истеъдодли беваси малика Шажаруд-Дорр ўғли Туроншоҳ Эронга сарҳатидан қайтиб қелганига қадар давлатни бошқариб турди. Туроншоҳ қелгач, она раҳбарликни унга ишониб топшираркан, ёш шаҳзодага осон бўлмади. У ўз мавқеини сақлаб қолиш учун қўп ҳаракат қилди, лекин подшоҳнинг турк қўлларидан ташкил топган мамлуклар деб аталмиш қўчилари бошқа талайгина мусулмон ҳукмдорларга нисбатан ишлатган усуллари Салоҳиддиннинг

ночор ворисларига ҳам карши кўлладилар. Туроншоҳ ўлдирилиб, Шажаруд-Дорр муваккат ҳоким килиб тайинланди. Аслида унинг номидан давлатни мамлуклар раҳнамоси Ойбек бошқарарди. Тез орада мамлуклар бутун айюбийлар империяси устидан ҳукмронликни очик-ошкора ўз кўлларига олдилар. Дастлаб 130 йил мобайнида “баҳри мамлуклар” уруги, шундан кейин 150 йил давомида “буржи мамлуклар” авлоди ҳукм суришди.